

МАЪРИФАТ * ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * Қазақ тілінде

1931 йилдан чиңа бошлаган 2002 йил 30 ноябрь, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 95 (7498)

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ ОДАМЛАР ГУРУРИНИ УЙГОТИШ, УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ, БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШДА

**Илгари хабар қилинганидек, шу йил 28 ноябрь куни халқ депутатлари
Сирдарё вилоят Кенгашинынг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда
Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Куйида ана шу нутқ баёни эълон қилинмоқда.**

Маълумки, юртимизда амалга оширилётган ислоҳотлар, айниқса, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати мамлакатимиз тараққиети учун янги-янги имкониятлар очмокда.

Буни, жумладан, Сирдарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин, деди Ислом Каримов.

Бу ҳақда гап кетганда, аввало, вилоят меҳнаткашларининг мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, иккى йилдан бўён галла бўйича шартнома режасини бажариб келаётганини, шунингдек, жорий йилнинг 10 ойи давомидаги вилоятда саноат маҳсулотлари, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми, гўшт, сут ва тухум етишириш мидори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча органини таъкидлаш лозим.

Бу ерда жорий йилнинг ўзида чет эл сармояси иштироқида 9 та кўшма корхона ташкил этилгани, уларнинг умумий сони 30 тага етгани ҳам амалга оширилётган ислоҳотларнинг амалий натижасидан далолат беради.

Кейинги пайтда вилоятда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Биргина Гулистан шахрида бунёд этилган шинам турар-жойлар, янги спорт мажмуалари, кенг ва равон йўллар ушбу навқирон шаҳар қиёфасини сезиларли

даражада ўзгартириб юборди.

Айниқса, замонавий ва қадими меморлик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган «Маърифат» марказининг гўзал биноси, тиббий реабилитация маркази, 1 минг 200 ўкувчига мўлжалланган учта касб-хунар коллежи барпо этилгани вилоятдаги бунёдкорлик ишлари кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, лойиҳа қиймати 670 миллион сўм бўлган Дехқонбод-Гулистан-Янгиер сув тармогининг Холос шаҳарасига тортилаётгани ҳам дикқатга сазовордир. Бу лойиҳа тўла амалга ошгач, ушбу худуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи тубдан яхшиланади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин, деди Президент. Буларнинг барчаси чўл шароитида чиниқсан, шу заминга меҳр кўйган кўп миллиатли вилоят ҳалқининг фидокорона меҳнати туфайли кўлга киритилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзғариш ва янгилинишлар, ҳозирги замон олдимизга кўяётган вазифалар, иқтисодий тараққиёт, аввало, шу ерда яшаётган ҳалқнинг талаоб ва орзуларини инобатга олганда, вилоятдаги бугунги ижтимоий-иқтисодий

ривожланиш суръатлари ортда қолаётгани аён бўлади.

Дарҳақиқат, Сирдарё вилоятини орқага тортаётган, унинг ривожи йўлидағов бўлиб турган камчилик ва нуқсонлар биринчи галда иқтисодиёт соҳасида кўзга ташланади.

Бугунги кунда вилоятдаги бир қатор иирик саноат корхоналари зарар билан ишламоқда. Бундай корхоналар томонидан кўрилган зарар миқдори шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 2 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этди. Энг ёмони, саноат корхоналари омборларида 2 миллиард 500 миллион сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан ётиби.

Буларнинг барчаси вилоятда бозор муносабатларининг оддий тамойили - «Омбор учун эмас, истеъмолчи, харидор учун ишлаш керак» деган қоидага ҳанузгача амал қилинмаётганини кўрсатади.

Вилоятдаги ташкилот ва корхоналарнинг дебиторлик қарзлари 47 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлари эса 100 миллиард сўмдан ошиб кетгани, бу кўрсатич ой сайнин ўсиб бораётгани ҳам бозор иқтисодига хос оддий тартиб ва талаблар бузилаётгани, ўзаро хисобкитоблар ва шартнома муносабатларининг тўғри йўлга кўйилмагани оқибатидир.

(Давоми 2-3-бетларда)

OQSAROYDA QABUL

to'g'risida" qaror qabul qildi.

BOBOMIZGA MOSKVADA HAYKAL O'RНАTILDI

Rossiyaning bir guruh tanqli fan va madaniyat namoyandalarini tomonidan ilgari surilgan tashabbus qo'llab-quvvatlanib, Rossiya Federasiysi poytaxti —

Moskva shahrida bobomiz, g'azal mulkinining sultoni Alisher Navoiyga haykal (muallifi — O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi Ravshan Mirtojiev, yodgorlik me'mori — Moskva shahri bosh me'mori Aleksandr Kuzmin) o'rnatildi.



QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi "Iste'molchilar huquqlarini himoya qilishda jamoatchilik ishtirokini kengaytirish chora-tadbirlari

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР МАЪҚУЛ БЎЛАЯПТИМИ?

6-бет


Турғун АЛИМАТОВ КУЙ СЕХРИ...

7-бет

ОНАСИГА АЧИНМАГАН ФАРЗАНДЛАР

12-бет

МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ



Мустақил Узбекистоннинг 11 йил ичидаги босиб ўтган йулига назар ташланиб, таҳлил қилиш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш асосида мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва тамойиллари белгилаб берилган ушбу маърузани умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, ўқитувчилари, педагоги-ка имларни ошириш институтлари ва профессор-ўқитувчилари, педагоги-ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ходимлари билан ўрганиш, сессия материаллари асосида баҳс-мунозаралар, давра сұхbatлари, танловлар ўтказиш давр талабидир.

(Давоми 4-бетда)

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ ОДАМЛАР ФУУРИНИ ЎЙГОТИШ, УЛАР-

Биламики, ҳар қандай мамлакат ривожида унинг экспорт салоҳияти алоҳида ўрин тутади. Хорижий инвесторлар иктисодига ётга кўплаб жалб килиниб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга кўйилмаса, дунён бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, келадиган валюта ҳисобидан ишлаб чиқариш соҳасидан ривожлантириш, ускуна, техника ва технологияларни янгилаш, ишчиларнинг ойлигини ошириш масалалари ҳам ечилиб месдан қолади.

Вилоятда ўз маҳсулотини экспорт құлувчи корхоналар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 тага камайгани, экспорт бўйича прогноз дастурига киритилган 5 та йирик корхонадан 4 таси белгиланган кўрсатичларни улдалай олмагани бунинг исботидир.

Мирзаобод ва Мехнатобод туманларида хорижий инвестициялар иштироқида бирорта ҳам корхона ташкил этилмагани эса яйрим раҳбарларнинг бу борада ҳали-хануз фафлат уйқусидан уйғонмаганинни кўрсатади.

Афсуски, бундай муаммолар вилоят иктисодиётининг асоси бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам сақланиб қолмоқда, деди Юртбошимиз. Ишни тўғри ташкил эта билмаслик, хануз эскича қарашлар билан яшаш, янгиликка интилмаслик туфайли вилоятда қишлоқ ҳўжалиги сўнгги йилларда фақат зарар келтириб ишлайдиган соҳага айлануб қолди.

Эътибор беринг, иктисодий ночор ҳўжаликлар зиммасидаги қарзлар миқдори йил сайин ортиб бормоқда. 2000 йилда хўжаликлар 2 миллиард сўм зарар кўрган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич икки баробарга ортиб, 4 миллиард сўмни ташкил этган. 2002 йил якунини ҳисобайдиган бўлсан, бу зарар миқдори янада ортади.

Холбуки, ҳукумат қарорига асосан, бу соҳадаги қолоқликка барҳам бериш мақсадида Мирзаобод ва Мехнатобод туманларидағи зарар билан ишлаетган ҳўжаликлар негизида фермер ҳўжаликлари ўшмалари тузилиб, уларга хизмат кўрсатувчи 16 та машина-трактор парки, 14 та минерал ўғитлар билан таъминлаш ва ёқилги кўйиш шоҳобчаси, кичик банклар ташкил этилган эди.

Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгани, бир қисм майдонларни шур босганини инобатга олиб, республика ҳукумати кейинги уч йилда вилоят бўйича давлатга пахта сотиши шартнома режасини 60 минг тоннага камайтирганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Лекин, минг афсуски, мана шундай кўрилган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермаяти.

Вилоятда давлатга пахта сотиши режаси кейинги уч йил мобайнида сурункасига 60 фоизда қолиб кетмоқда. Мирзаобод, Мехнатобод, Оқолтин ва Шароф Рашидов туманларида ҳосилдорлик 8-14 центнердан ошмаётганини ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмайди.

Тажрибада синаланки, ерга чигитни шундек қадаб кўйиб, унга ҳеч қандай ишлов бермасдан ҳам 8 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Пахта етиштиришга кетган харажатларни қоплаш учун эса ҳосилдорлик камида 18 центнер бўлиши керак, деда таъкидлади Ислом Каримов. Менимча, 8 центнердан ҳосил олишнинг та-

года бошқа гап, яъни ерни талон-тарож қилиш, экилмаган ерларни қўшиб ёзиш каби кўзбўячаликлар бор. Хўш, биз бу билан кимни алдаяпмиз?

Афсуски, ўзимизни ўзимиз алдаяпмиз, холос.

Тўғри, ўтган йиллар қаттиқ қурғочилик бўлганини, бу йил эса баҳорнинг серёғин келгани учун чигит кеч — май ойигача экилгани — объектив ҳолат.

Чўники, табиатга бўйруқ бериб бўлмайди. Аммо табиат инжилигини ҳар доим рўйача қиласавириш ҳам ярашмайди. Ютуқларнинг қалити аслида ўзимизда, ишнинг кўзини билиш, уни самаралашкил қилиш, барчабарча имкониятларни ишга солиш ва аввало, мутахассис ва дехқонларни рағбатлантириш, уларга суннишда.

Мана, мисол учун, бу йилги пахта терими мавсумини олайлик. Яратганга минг бора шукрки, бутун куз давомида икки ярим ой очик очик бўлди, бир томчи ҳам ёмғир ёғмади. Бу ҳам худонинг бизга марҳамати эмасми? Нега биз баҳорнинг серёғин бўлганини баҳона қиласавириш узининг қишлоқ ҳўжалик мавсуми учун қулаги келганини гапирмаймиз?

Барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз зарур: пахтачилкнинг мавсуми чегараланган эмас, у йил ўн икки ой давомида муттасил меҳнат қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ўз вақтида қилинмаган иш эртага бошга ташвиш бўлади.

Давлатимиз раҳбари шу ўринда ҳамма нарсани об-ҳавога боғлаш, кўшимча сабаб қидириш заифлик аломати, хатони тан олиш эса мардлик белгиси эканини айтиб ўтди.

Ўзингиз ўйланг, ер ўз вақтида сифатли шудгор қилинмаса, шўри ювилмаса, эрта баҳорда чигитни барвакт ундириб олиш чораси кўрилмаса, сувдан самарали фойдаланиш усуслари ишлаб қилимаса, илмий асосда уруп танланмаса, бир сўз билан айтганда, Сирдарёнинг турорига, табиатига мос технология бўлмаса, қандай қилиб пахта мўл ҳосил берсиз!

Сирдарё вилоятида нафакат пахтачилк, умуман, дехқончиликда йўл қўйилаётган энг катта камчилик шундаки, қишлоқ ҳўжалик соҳасида олиб бориляётган ислоҳотларнинг негизи, асосий маъно-мазмуни унтиб кўйилмоқда. Бошқача айтганда, бу ерда одамларда — у ижара ёки ширкат ҳўжалиги бўладими — бундан қатти назар, ерга ўзимнинг ерим, мулким деб қараш ҳиссияти етишмаяти.

Бу, айниқса, бизни бокадиган ерга муносабат, унинг мелиоратив ҳолатига бепарволикда намоён бўлмоқда. Буни Мирзачўлни ўзлаштириш даврида ётқизилган дренаж қувурларини таъмирлаш билан боғлиқ муаммолар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, 1998 йилда хисобга олинган мингта тик қудуқдан бугунги кунда фақат ярми сақланиб қолган, уларнинг ҳам аксарияти ишламайди. Бу мураккаб масалани вилоят раҳбарияти хукумат ёрдамида, республикадаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиши лозим.

Бундан ташкири, ҳўжаликлар аро зовурларнинг 37 фоизи, ички ҳўжалик зовурларининг эса 47 фоизи ёроксиз ҳолга келиб қолган.

Бунинг натижасида ерлар-

нинг мелиоратив ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб, пахта, фалла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларининг ҳосилдорлиги сурункали равиша пасайиб кетмоқда.

Вилоятда сугориладиган ерларнинг 53 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрлангани, кучли шўрланган ер майдонлари охири тўрт йилда салкам 50 фоизга ортган, 11 минг гектардан зиёд ер экин экиш учун мутлақо ёроксиз ҳолга келиб қолгани ҳам ҳўжаликларнинг иктисолидий жиҳатдан заифлашишига сабаб бўлмоқда.

Аммо шур осмондан тушмайди-ку, ерга қанча сув кирса, шунча сув чиқиб кетиши керак. Лекин, ўйлаб кўринилар, ҳозирги вақтда ерга кираётган сувнинг неча фоизи чиқиб кетади-ю неча фоизи шур бўлиб қоялти. Бу ердаги қамиш босган зорурлар шунинг исботи эмасми, деда эътиroz билдириди Президент.

Ахир, бир вақтлар Сирдарё механизация бўйича олдинги ўринда эди-ку, бу ерда илғор дехқончилик мактаби бор эди-ку! Нега вилоят бугун мана шундай оғир ахволга тушиб қолди?

Нима учун Сирдарёда фалла ҳосилдорлиги 28 центнердан ошмаяти? Нима учун, масалан, Андижонда 70 центнердан ошириб дон етиштириляти-ю бу ерда хеч қандай ўзгариш бўлмаяти? Бу ўринда синовдан ўтган ва ўзини оқлаган уруф навларни экишга аҳамият бериш керак. Лекин вилоятда бу масалада ҳам аниқ дастур, аниқ режа йўк.

Умуман, фалла ҳосилдорлиги сувнинг таъминланганлиги бу ерга яна ғалла экиш мавсуми учун қулаги келиб кетди?

Бултур вилоят бўйича 3 минг, бу йил эса 300 гектардан ортиқ майдондаги фалла ўт босгани тифайли ўримлай қолган. Бальзи раҳбарлар қамиш ёки бегона ўт босиб кетишини олдиндан била туриб, нега шу ерга яна ғалла эқади? Буни қандай тушуниш мумкин?

Бундай ахволнинг боз сабаби вилоятдаги мутасадди раҳбарларнинг қаттиятлизиги, бефам-бепарволигидадир. Ўзини ҳоким, етакчи деб биладиган ҳар бир раҳбарда ўз худудига эзалик, масъулият туйғуси бўлиши керак. Сирдарёда эса, афсуски, тескариси бўляпти.

Сизларнинг орангиздан Сирдарёни кўтараман, унинг аввалини шуҳратини тиклайман, деб майдондаги қатта камчилик шундаки, қишлоқ ҳўжалик соҳасида олиб бориляётган ислоҳотларнинг негизи, асосий маъно-мазмуни унтиб кўйилмоқда. Бошқача айтганда, бу ерда одамларда — у ижара ёки ширкат ҳўжалиги бўладими — бундан қатти назар, ерга ўзимнинг ерим, мулким деб қараш ҳиссияти етишмаяти.

Сизларнинг орангиздан Сирдарёни кўтараман, унинг аввалини шуҳратини тиклайман, деб майдондаги қатта камчилик шундаки, қишлоқ ҳўжалик соҳасида олиб бориляётган ислоҳотларнинг негизи, асосий маъно-мазмуни унтиб кўйилмоқда. Бу ўринда давлатимиз раҳбарияти яна бир ҳукумат масалага эътибор қаратди. Гап шундаки, жойларда байзан план деб, режа деб фермерлардан шартномада кўзда тутилмаган фаллани тортиб олиш ҳолатлари ҳам содир бўлмоқда. Бундай бемаъни ишлар кимга керак?

Бундай йўл билан бажарилган режа хеч кимга обрў келтирмайди, деб таъкидлади Президент.

Бу, эҳтимол, кимларгидир майда-чўйда нарса бўлиб туилиши мумкин. Лекин бу ерда асосий нарса — адолат бузилияти! Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмоқда.

Адолатга нисбатан ишончини йўқотган дехқон қандай қилиб эртага яна далага чиқади? Кайси юз билан унга яна, далага чиқ, фалла эк, пахта эк, деб айтиб оламиш?

Барака топкурлар, бугун сизларни ҳеч ким планни бажармадинг, деб илгаридек райком,

ишониш мумкин? Агар туман ҳокими ўз худудидаги бундай ҳолатларни кўрмаса, билмадим, нима дейиш керак?

Бугунги кунда Сирдарё вилоятда 4-мингдан зиёд фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларни қўллаб-куватлаш, минерал ўғит, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари, сифатларни урғулек ва кичик техника востидалар билан таъминлаш, лизинг хизмати кўрсатиш масалалари ҳам мутасадди раҳбарлар эътибиридан четда қолмоқда.

Фермер ҳўжаликларнинг дизель ёқилғиси ва бензинга бўлган талаби атиги 35 фоизга таъминлангани бу борадаги тасдиқлаб туриди.

Айниқса, шундоқ ҳам камёб бўлган минерал ўғитлар талонтарож қилинаётганига асло чида бўлмайди. Мехнатобод ва Ховос туманлари кимётаъминот корхоналарининг омбор мудирлари Б.Сулаймонов, И.Норалиевлар 5 миллион сўмлиқдан ортиқ минерал ўғитни ўзлаштириб юнга оғир ахволга тушиб қолмоқда.

Айниқса, аҳоли турмуш дарајасини яхшилашнинг муҳим шарти бўлган коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар кишида жиддий ташвиш уйғотади.

Хусусан, вилоятда 1991 йилгача курилган ўй-жойларни капитал таъмириш йиллигидан оғир ахволи таъмиришни ўтказади. Буни Сирдарё вилоятидаги бўлган талонтарож қилинаётганига асло чида бўлмайди.

Ахорим ҳокимларни бартарап этиш, вилоят иктисодиётни жумладан, қишлоқ ҳўжалигидаги ахволни ўнглаш учун ҳар бир соҳада кескин чоралар кўриш, тартиб-интизом ўрнатиши, одамларнинг қарашларини ўзгариши керак.

Ахорим ҳокимларни бартарап этиш, вилоят иктисодиётни жумладан, қишлоқ ҳўжалигидаги ахволни ўнглаш учун ҳар бир соҳада кескин чоралар кўриш, тартиб-интизом ўрнатиши, одамларнинг қарашларини ўзгариши керак.

Ахорим ҳокимларни бартарап этиш, вилоят иктисодиётни жумладан, қишлоқ ҳўжалигидаги ахволни ўнглаш учун ҳар бир соҳада кескин чоралар кўриш, тартиб-интизом ўрнатиши, одамларнинг қарашларини ўзгариши керак.

Ахорим ҳокимларни бартарап этиш, вилоят иктисодиётни жумладан, қишлоқ ҳўжалигидаги ахволни ўнглаш учун ҳар бир соҳада кескин чоралар кўриш, тартиб-интизом ўрнатиши, одамларнинг қарашларини ўзгариши керак.

Ахорим ҳокимларни бартарап этиш, вилоят иктисодиётни жумладан, қишлоқ ҳўжалигидаги ахволни ўнглаш учун ҳар бир соҳада кескин чоралар кўриш, тартиб-интизом ўрнатиши, одамларнинг қарашларини ўзгариши керак.</

МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Академик Тўхтапулат Рисковнинг илмий муҳаррирлигига, профессор Рисбой Жураев раҳбарлигидаги гурӯҳ томонидан тузилган “Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисинг тўққизинч сессиясидаги “Узбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари“га багишланган маъруzasini таълим муассасаларида ўрганиш буйича тавсиялар ва дастур“ рисоласида Президентимизнинг мазкур маъруzasini ўрганиш буйича услубий тавсиялар ва дастур мажлислилари ҳамда миллий истиқлол гоясига таяниб ишлаб чиқилган булиб, таълим муассасаларида устувор йўналишларни амалга ошириш буйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиша амалий қўлланма вазифасини утайди.

Рисола саҳифалари Президент Ислом Каримовнинг юқорида тилга олиб ўтилган маъруzasи матни билан бошланади. Шундан сўнг, Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 9 октябрдаги 81/1-сонли ҳайъат мажлисининг қарори, Президентимизнинг мазкур маъруzasini халқ таълими муассасаларида ўрганиш буйича услубий тавсиялар берилган. Унда дарс жараёнда бирон мавзўни ёритиш ёки алоҳида сұхбат баҳс-мунозара ўтказиша да:

— аввало, унинг ташкилотчиси маърузанинг аҳамиятини, гоясини чуқур идрок этиши, пухта тайёргарликсиз бирон тадбирга, айниқса, баҳса киришмаслиги зарурлиги; — иккинчидан, аудиториянинг ёши, психологик хусусиятлари, билим даражаси, уртага ташланаётган мавзуни идрок эта олиш имкониятлари ҳисобга олиниши лозимлиги;

— учинчидан, танланган мавзуда машгулот олиб бораётган ўқитувчи методик жиҳатдан пухта тайёргарликка эга бўлиши зарурлиги;

— тўртинчидан, машгулотлар ўтказилаётган жараёнда ўқитувчilar мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон турмуш барпо этиши, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш бевосита ёшларга боғлиқ эканлигини назарда тутишлари кераклиги таъкидлаб ўтилган.

“Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисинг тўққизинч сессиясидаги “Узбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари“га багишланган маъруzasida белгиланган устувор йўналишларни таълим муассасаларида амалга ошириш дастури“ халқ таълими муассасалари ходими, педагог-мураббийлар ҳамда маънавият ва маърифат соҳаси фаоллари учун муҳим кўмакчи вазифасини утайди.

Ушбу рисола “Ma'rifat-Madadkor“ нашриёти томонидан нашрга тайёрланиб, 15 минг нусхада чоп этилди.

Республика Фанлар академиясида “Миллий истиқлол гояси – ҳар томонлама ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини

мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат, – деди тадбирда сўзга чиқсан Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапулат Рисқиев. –

йўлини давом эттиришга имкон берадиган тараққиёт моделига эгамиз.

Семинарда маърузачилар илмий ишлар йўналишларини

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ

да Ўзбекистон халқининг ҳамжihatлиги ва яқдиллигини таъминлаш асоси” мавзусида илмий амалий семинар ўтказилди.

— Баш стратегик мақсадимиз бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг

Бу мақсадга эришиш учун бошқа давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўронча нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришишимиз керак. Фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини демократик ривожланиши

такомиллаштириш, айрим тадқиқотларнинг истиқлол талабларига тўла жавоб бермаётганлиги амалиёт учун зарур таклиф ва мулоҳазалар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлашди.

“Туркистан-пресс”

ИНГЛIZ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи Давлат музейида республикамиз таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган инглиз тили ўқитувчilar Ассоциациясининг анъанавий олтинчи конференцияси иш бошлади. Мазкур тадбирнинг асосий ташкилотчilari АҚШ элчинонасining Ахборот, маданият ва таълим бўлими, Британия Кенгashi, АҚСЕЛС, Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси ҳамда Макмиллан нашриётидир.

Анжуманда Ўзбекистон, Кирғизистон, Тоҷикистон, АҚШ, Буюк Британия, Ирландия, Россия мамлакатларидан 300 дан ортиқ инглиз ўқитувчи-хамда таълим билан барча халқаро ташкилотлар иштирок этдилар.

АҚШнинг Мичиган университети инглиз тили институти директори Доктор Жоан Морлининг “TSEL/TEFL замонавий ҳолати”, инглиз тилини иккинчи хорижий тил сифатида ўқитиш мавзусидаги маъруzasи тингланди. Конференция билан бир вақтда тилшунослик соҳасида маҳаллий ва халқаро эксперtlarни тайёрлаш Республика марказида “Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитишнинг асосий тамойиллари” мавзуидаги тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Нодира РАЗЗОҚОВА

Anjuman

Кечак Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий ва ўрта маҳсус таълим вазiri Саидхор Ғуломов кириш сўзи билани очди ва бошқардади.

Йиғилиш аввалида яқинда Ўзбекистон нашриётида чоп этилиб, олий таълим муассасалари талабалари томонидан ўрганиш учун тавсия қилинган “Маънавият гулистони” китобининг тақдимот маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчининг ўринбосари Аҳмаджон Мелибоеv, Олий Мажлис депутати Иброрим Faғurovlar сўзга чиқшиб, яратилган асарнинг аҳамияти ва унинг маънавий-маърифий йўналишда амалга оширилаётган тарбиявий ишларда муҳим қўлланмана бўлиб хизмат қилиши лозимлиги хусусида гапирдилар.

ТУРЛИ МАСАЛАЛАР ҚЎРИЛДИ

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясининг бу йилги совриндорлари ҳамда яқинда Кореяning Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида юқори ўринларни қўлга киригтан талабаларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Маълумки, шу йил Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасалари муаллимлари ўтасида ахборот технологияларидан самаралийларни тақдирлаш борасида танлов эълон қилинган эди. Йиғилишда танловнинг якунни эълон қилинди ва унинг гониблари бўлган I-Тошкент давлат тиббиёт, шарқшунослик институтлари, Самарқанд давлат чет тиллар институти, давлат ва жамият курилиши ақадемияси вакилларига компьютер технологиялари мажмуаси тақдим этилди.

Ҳайъат йиғилишида бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
“Ma'rifat” мухбари



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманинага 154-болалар боғчасида 280 нафар бола тарбияланади. Бу ерда машгулотлар халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган “Учинчи минг ийлликнинг боласи” таянч дастури асосида олиб борилади.

— Боғчамиз эстетик йўналишда фаолият кўрсатади, — деди болалар боғчаси мудираси Нодира Пўлатова. Кичкунтойларимиз машгулотлари ўйин ва сұхбат тарзида ташкил этилган. Шу боис ҳам улар зерикиб қолишишмайди. Болаларнинг эркин ва мустақил фикрлашига эришашимиз. Ҳар бир болага шахс сифатида мумтазлашади.

Шунингдек, жажхилар боғчада фаолият кўрсатаётган инглиз тили, рақс, расм, карате каби тўғракларга жон деб қатнашадилар. Кичкунтойлар билан алоҳида ишлаш кенг йўлга қўйилган. Болаларнинг нимага қизиқиши руҳшунос ёрдамида аниқланади.

Айни кунларда болалар боғчаси тарбияланувчилари “Конституция куни” га тайёрланишмоқда. Бунда эса таълим маркази томонидан таъсис этилган “Конституция сабоклари” дастур ва услубий қўлланмалар ёрдам бермоқда.

Суратда: боғча фаолиятидан лавҳа.
Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

Маълумки, З декабрь бутун жаҳонда халқаро нигоронлар куни сифатида нишонланади. Шу муносабат билан юртимизнинг турли бурчакларида байрам тадбирлари ўтказилаёттир. Чунончи, пойтахтимизнинг Сирғали туманинага 33-акли заиф болалар мактабида байрам тадбири болајонларга завқ-шавқ багишилди.

Tadbir

Тадбир сўнгидаги танловда голиб деб топилган 11 нафар ўкувчилар туман Қизил ярим Ой жамиятиниг махсус совиндорлари билан тақдирланадилар. Туман Қизил Ярим Ой жамияти раҳбари Ўлмасой Қодирова болажонларни байрам билан табриклаб, жумладан, шундай деди:

— Ўкувчилар тайёрлаган ҳар бир буюмда уларнинг диди, кўл

ЎҚСИНМА, БОЛАЖОН!

Унда Сирғали туман халқ таълими бўлими, туман Қизил ярим Ой жамиятиниг махсус совиндорлари, мактаб ўқитувчilari ва ғоҳарларни тақдирлаш борасида танлов эълон қилинган болажонларга завқ-шавқ багишилди.

Мактаб директори Зокира Ёдгорова мактабда расм, тикувчилик, бичувчилик, рассомлик ва спорт йўналишлари бўйича эълон қилинган танлов голибларини табриклар экан, мактаб раҳбарияти ҳамиши уларга ёрдам беришга тайёр эканликларини таъкидлади.

маҳорати акс этган. Ўкувчи-қизлар томонидан тикилган ҳар бир кўйлакларда эса кўл меҳнатининг нозиклиги тасвирлангандек, гўё. Ўғил болалар тайёрлаган ҳам охига хос.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мактабнинг 5 нафар ўкувчилари жорий йилда Марказий Осиё давлатлари ўтасида ўтказилган ёзги махсус олимпия ўйинларидан иштирок этишиб, 1 та олтин, 3 та кумуш, жуфтлик ўйинларда эса 3 та бронза медалларни кўлга киритиб қайтишиди.

Райхон ХОЛМУРОДОВА,
“Маърифат” мухбари

Республика таълим марказида табиий фанлар бўйича кимё, физика, география, биология фанларидан танлов асосида яратилган янги дарсликларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда республика бўйича таълим муассасаларининг ходимлари, амалиётчи-ўқитувчилар, 9-синф ўқувчилари, Малака ошириш институтлари ўқитувчилари, дарсликларни чоп этган нашриётлар вакиллари ва дарслик музаллифлари иштирок этдилар.

Аввало, дарсликларнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мос ҳолда янги авлодининг яратилишида катта ишлар амала оширилаётгани

А.Юсупов, Н.Турдиев "Маънавият", география фанидан дарслик (муаллифлар— А.Қаюмов, И.Сафаров, М.Тиллабоева "Ўқитувчи", биология фанидан дарслик ва методик қўлланма (муаллифлар — А.Зикрияев, А.Тўхтаев, И.Азимов, И.Сонин) "Мадеф ҳаёт" нашриётларида чоп этилди. Танлов ва тендерда қатнашган кўплаб қўлламалар орасидан ушбу музаллифлар томонидан ёзилган дарсликлар ва нашриётлар танловда голиб, деб топилиб, ҳозирги кунда кимё ва физика фанларидан яратилган дарсликлар ижара тизими асосида мактабларга етказиди. Шу билан бирга география ва биология дарсликлари чоп этилиб, савдоға чи-

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР МАЪҚУЛ БЎЛАЯПТИМИ?

ҳамда кўплаб хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибалари ўрганилаётганини қайд этиш жоиз. Хусусан, шу асосда Осиё ривожланиш Банки лойиҳаси доирасида Халқ таълими .вазирлиги 9-синф дарсликлари ва методик қўлланмаларни яратиш бўйича эълон қилинган танловда кўплаб нашриётлар ҳамда ҳар бир фан бўйича бир неча музаллифлар гурухлари қатнашдилар. Танлов голиблари мутахасислардан иборат жамоатчи эксперталарнинг хуносалари асосида аниқланди.

Барча фанлар қаторида табиий билимлар бўйича ҳам шу асосда Халқ таълими вазирлиги, Осиё ривожланиш Банки лойиҳаси доирасида эълон қилинган танлов асосида дарсликларнинг янги авлоди яратилди. Чунончи, музаллифлар кимё фани бўйича дарслик ва методик қўлланма (муаллифлар — И.Асқаров, Н.Тўхтабоев, К.Гопиров) "Абу Али ибн Сино", физика фанидан дарслик(муаллифлар — Д.Шодиев, Н.Турдиев), методик қўлланма эса (муаллифлар —

қарилди. Дарсликлар ва улардан фойдаланиш бўйича ўқитувчilar учун методик қўлланмалар ҳам мактаб кутубхона заҳираларига етказилмоқда.

Тақдимот маросимида Тошкент шаҳридаги 226-мактабнинг 9-синф ўқувчilar иштирок этиб, дарсликлар ҳақида ўз фикрларини билдирилар, дарслик музаллифларидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Маросимнинг иккичи қисмида кимё, биология, география ва физика фанлари ўқитувчilar алоҳида секцияларда иш олиб бордилар. Дарслик ва методик қўлланмалар музаллифлari ўқитувchilar билан биргалиқда семинар-тренинглар ўтказдилар. Шу синфда ҳар бир фан бўйича дарсларни самарали ташкил этиш йўллари ўргатилди, ўқитувchilarни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берилди.

**М.ТИЛЛАБОЕВА,
РТМ табиии билимлар бўлими
бошлиғи**

ТЕРАН НИГОҲЛИ ЁШЛАР

Биз бундан 11 йил музаккадан энг азиз незмат — мустақиллигимизни кўлга киритдик. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган эзгу ишлар, эришилган ютуқ ва натижалар. эса эътироға арзиди. Бироқ булаарнинг бари олдимизга кўйган буюк мақсадларга етиш йўлида кўйилаётган дастлабки қадамлардир. Бугун бизнинг энг муҳим вазифамиз ана шу эришилган ютуқ ва натижаларни таҳлил қилиш, уларга танқидий ёндашиша холисона баҳолашдир.

Бу ҳақда юртошимииз иккичи қаҳириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining тўққизинчи сессиясида "Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичта кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширилган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган мараларга етказишидир", дея таъкидлаган ва уларни рўёбга чиқаришда устувор бўлган вазифаларга бирма-бир тўхталган эди.

Яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси "Президент И.Каримовнинг иккичи қаҳириқ Олий Мажлисining тўққизинчи сессиясида маъруzasida белгиланган вазифалар ҳақида" маъзуусида баҳс-мунозара ўтказди. Айниқса, уларнинг биринчи ва энг туманидаги 71- ва 99-мактаб ўқувчilarни маъзуузасидан ўзаро баҳс-муноза-

рага киришидилар. Қувонларлиси, тадбирда ўкувчilar ўз иктидорларини на-моён қилиб, бу борадаги дунёкарашларининг кенглиги, бугунги кунда юртимизда рўй берадиган ўзга-ришлар, воқеаларни нечоғли таҳлил қила билиши, шунингдек, сиёсий мавзуларда ҳам эркин мушоҳада юритиши билан барча ҳайратга солди.

— Бугунги кунда баркамол шахсни вояга етказиши, келажагимиз ворислари бўлмиш маънавий жиҳатдан етук инсонни тарбиялаш давлатимизнинг энг муҳим вазифасидир. Шу боис, биз ҳаётимизда рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, мамлакатимизда

Tadbir

амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимизда олиб боридаётган сиёсатнинг туб негизларини келгуси авлод вакиллари онгига сингдиришимиз лозим. Мазкур тадбир ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлашимишнинг бир бўлгаги си-фатида ўкувчи-ёшларнинг фикрлаш қобилиятини, сиёсий онгиги шакллантиришга хизмат қиласи, — дейди ТШХТББ бошлиғи И.Зокиров.

Тадбирда ўкувчи-ёшлар Юртошимииз маъруzasida белгиланган этии устувор йўналиш хусусида мушоҳада юритдилар. Айниқса, уларнинг биринчи ва энг туманидаги 71- ва 99-мактаб ўқувчilarни маъзуузасидан ўзаро баҳс-муноза-

килиш, мустаҳкамлаш бо-расидаги фикрларидан ёшлар қалбида Ватан, Ватанга муҳаббат, Ватанини мустақилликни эъзозлаш каби юксак туйѓулар чукур илдиз отганини илғаш қийин бўлмади.

Шунингдек, мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, эркин иқтисодиёт шакллантириш, инсон хукуклари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шубилан бирга, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиклиги ни таъминладиган демократик тамоилларни амалда жорий қилиш, бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, кучли бозор инфраструктурасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамоилларини жорий этиши, фуқаролик жамияти ҳаётидаги нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш, суд-хуқўқ соҳасини ислоҳ қилиш, демографик ва бошқа миллий ху-сусиятларни хисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш каби устувор вазифалар хусусида баҳслашдилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илмга чанқоқ бундай ёшларнинг жамият ҳаётига тераң назар ташлаётгани, давлатимиз олиб бораётган сиёсатни холис таҳлил қилаётгани, албатта барчамизни қувонтиради.

**Фаррұх БЎТАЕВ,
"Маърифат" мухбири**

КЎПАЙТУВЧИЛАР ҚЎШИЛУВЧИЛАР ШАКЛИГА ҚАНДАЙ КЕЛТИРИЛАДИ?

Хар қандай таълим жараёни ўқитувчidan ижодий ёндашувни талаб этади. Агар музаллим ўқувчilarida билимга нисбатан истак ва қизиқиш уйғотиш билан бирга мустақил тасаввур қилиш ва эркин фикрларни қўнгилмаларни ҳосил қила олсанга кўзлаган мақсадига эриша олади. Ана шу ниятдан биз дарсларимизда турли хил усуслардан мунтазам фойдаланиб бораётмиз. Чунончи, 4-синфда "Кўпайтириш ва бўлиш" мавзусида тушунчаларни ўқувчilarга етказища топширикларнинг бажарилишини бир неча усууда кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

697-мисол. 36ни 47 га кўпайтириш.

$$36 \times 47 = 1692$$

$$36 \times 47 = 252 + 144 = 1692$$

Кўпайтирувчини қўшилувчiga ажратиши.

$$36 \times (40+7)=36 \times 40 + 36 \times 7=1692$$

Аслида, 4-синф математика дарслигига дастур асосида юқоридаги кўринишда мисол ечиш берилган бўлса-да, ўқитувчи дарсликдаги мисол ва масалани ечишнинг бир неча йўлини тушунтириб бериши зарур. Шу билан бирга ифода асосида масала тузиш машқ қилинса, ўқувчilar фаоллашиб, мисол ва масалаларни ўзлари мустақил еча бошлашади. Ўқувchilar иштирокида юқоридаги кўпайтируvchilarни шаклига келтириш ва гурухлаш мумкин:

$$36 \times 47 = (30+6) \times (40+7) = 30 \times 40 + 6 \times 7 + 30 \times 7 + 6 \times 40 = 1200 + 42 + 210 + 240 = 1692$$

Сўнгра ўғил-қизлар ифода асосида масала тузишга ўтадилар. Эътиборлиси, 8 ёшли 4-синф ўқитувчи Кобилжон Шодмонов 36x47 ифода асосида масала тузиш:

Масала: Туманда "Хисобдонлар мусобақаси" бўлди. Икки мактабдан ўқувчilar қатнашди. 1-мактабдан 30 нафар ўғил ва 6 нафар қиз бола, 2-мактабдан эса 40

нафар ўғил ҳамда 7 нафар қиз болалар иштирок этишиди. Топқирлик баҳсида жамоаларнинг ўғил болалари 1200 та, ҳар иккى гурӯҳ қизлари эса умумий 42 та мисол ечишиди. Шундан сўнг ҳам голиб аникланмагач, 1-мактаб қизлари 40 та, 2-мактаб қизлари 30 та масала ечишиди. Иккала мактабнинг ўғил ва қиз болалари ҳаммаси биргалиқда жами неча топшириқ бажаришган? Аввало, бунинг учун иккала мактаб ўғил ва қизлари ҳаракатлашшида белгиланган вазифалар ҳақида" маъзуусида баҳс-мунозара ўтказди. Тадбирда Мирзо Улуғбек туманидаги 71- ва 99-мактаб ўқувчilarни маъзуузасидан ўзаро баҳс-муноза-

нафар ўғил ҳамда 7 нафар қиз болалар иштирок этишиди. Топқирлик баҳсида жамоаларнинг ўғил болалари 1200 та, ҳар иккى гурӯҳ қизлари эса умумий 42 та мисол ечишиди. Шундан сўнг ҳам голиб аникланмагач, 1-мактаб қизлари 40 та, 2-мактаб қизлари 30 та масала ечишиди. Иккала мактабнинг ўғил ва қиз болалари ҳаммаси биргалиқда жами неча топшириқ бажаришган? Аввало, бунинг учун иккала мактаб ўғил ва қизлари ҳаракатлашшида белгиланган вазифалар ҳақида" маъзуусида баҳс-мунозара ўтказди. Тадбирда Мирзо Улуғбек туманидаги 71- ва 99-мактаб ўқувчilarни маъзуузасидан ўзаро баҳс-муноза-

нафар ўғил ҳамда 7 нафар қиз болалар иштирок этишиди. Топқирлик баҳсида жамоаларнинг ўғил болалари 1200 та, ҳар иккى гурӯҳ қизлари эса умумий 42 та мисол ечишиди. Шундан сўнг ҳам голиб аникланмагач, 1-мактаб қизлари 40 та, 2-мактаб қизлари 30 та масала ечишиди. Иккала мактабнинг ўғил ва қиз болалари ҳаммаси биргалиқда жами неча топшириқ бажаришган? Аввало, бунинг учун иккала мактаб ўғил ва қизлари ҳаракатлашшида белгиланган вазифалар ҳақида" маъзуусида баҳс-мунозара ўтказди. Тадбирда Мирзо Улуғбек туманидаги 71- ва 99-мактаб ўқувчilarни маъзуузасидан ўзаро баҳс-муноза-

Sinab ko'ring

Ечиш:

$$40 \times 30 = 1200$$

$$1200 + 42 = 1242$$

$$6 \times 7 = 42$$

$$40 \times 6 = 240$$

$$210 + 240 = 450$$

Демак, масаланинг жавоби — 1692 та экан.

Бундай услубда дарсни ташкил қилиш учун ўқувчilarни қўйи синфлардан бошлаб қизиқарли математика билан шуғуллантириб бориш керак. Мисол учун:

Сув ичгани излаб булоқ,

Келар эди 2 эчки, 2 улоқ.

Уларда бор неча кулоқ?

Уларда бор неча туёқ —

каби саволлар ўқувчilaring кучига қараб мурakkabлаштириб борилавради. Масала оғзаки ечилади. Ўқувчи эчкининг ҳар бир оёғига 2 тадан туёқ борлиги ҳақида тушунчага ҳам эга бўлади.

**Гулбодом ЭШТУРДИЕВА,
Қашқадарё вилояти Косон туманидаги "Дилором" номли 4-богча-мактабнинг олий тоифали бошлангич с**

Оlamda киши ақлини ҳайратга соладиган мўъжизалар орасида мусиқанинг ўрни алоҳидадир. Инсон яралибди, бу маънавий озуқа унга ҳаётбахш туйгуларни армугон қиласди. Қалбига таскин-тасалли беради, ғам-андуҳдан холос қиласди.

Куй сехри нафақат инсонларга, балки, жамики жонзодга, ҳатто ўсимлик оламига ҳам таъсир этади. Бунга мисоллар кўп. Ривоят қилишларича, Тангри Одам Атони яратгандан сўнг, унга жон киритиш керак бўлибди. Шунда жонга фармон берибди: — “Одам та-насиға кир! Жон: — “Мен лойдан бўлган жасадга кир-майман”, деб жавоб берибди. Яратгучи бунга чора топиб, куй ёрдамида жонни танга киритган экан.

Мусиқа санъатига, мутрибу муганнийлар истеъодига буюк алломалар ҳам ошуфта бўлганлар. Ҳазрат Навоий кўнгил хуш оҳангдан кувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади, — деда таъкидлаганлар.

Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори, бетакрор созанди ва бастакор Турғун Алимов бугунги меҳмонимиз.

— Эшишишимча, болалигингиз, кейинроқ ёшлигингиз ҳам кўп жиҳатдан қийинчиликлар билан ўтган экан. Бугун, мана, эл ардоклаган инсон сифатида ҳаёт кечираяпсиз. Мана шундай дориломон кунларингизда баъзан ўтмишингизни ҳам хотирлаб турсангиз керак...

— Мен 1921 йилда дехқон оиласида туғилганим. Ҳозирги Тошкент тумани худудидаги Қоплонбек қишлоғида болалигим ўтган. Кўктерак бозори атрофидаги ўзбек, қозок болалари билан ўйнаб ўсдим. Ўша 33—34-йиллардаги курғоқчилик пайтида дехқончиликларимиздан барака кўтарилиб, рўзгорда қийинчилик кунлар бошланди. 13 ёшимда қимматчилик авж олиб, қишлоқларда тириклилик ўтмай қолди. Очарчиликдан қутулиш илинжида кўпчилик қатори бизнинг оиласиз ҳам Тошкентга кўчуб келди. Шу йили (1934 йил) отам оламдан ўтиб қолди (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин). Иккисинглам билан етим қолдик. Ёлиз онам уч боланинг тириклигини саклаб қолиш учун ҳаловатини ўйқотган эди. Бир мунча вақт тогамлар қарамогида яшадик. Кейинроқ мени болалар уйига беришди. Оила учун битта одамнинг эҳтиёжларини, гарчи ҳаминқадар бўлса-да, қондириш жуда муаммо бўлиб қолганди. Хуллас, ётоқхонада яшай бошладим. Ҳали қўлимидан бир иш келмасди.

Етимлик “шарбати”нинатиб кўришга мажбур эдим. 1940 йилгача болалар уйида яшадим, ўқидим. Кийим-кечак, ейиш-ичиш беришарди. Онам тез-тез, йиглаб-йиглаб мендан хабар олиб турардилар (жойлари жаннатда бўлсин). Шу йили Эски Жўвадаги Ҳожималик номидаги мактаб, (ҳозиргача сақланиб қолган З қаватли гиштили иморат)дан ўрта маълумот олиб, мустакил ҳаётга кириб келдим. Ўрта маълумот деганда ўқиш ёзиши назарда тутаяпман. Да-

дамизнинг иккита дуторлари бўларди. Бири уйда, иккинчиси чойхонада турарди. У вақтда телевизор, радио, кино деганларининг ўрнида чойхоналардаги гурунглар бўларди, одамлар шу ерда маданий дам оларди. Чойхонага бирорта ҳофиз келсаем

Mehmonxon



Кискаси, 40-йилда бирга ўқиган ўртоқларим бири бокқа, бири тоқقا дегандай, тарқалиб кетди. Менинг борадиган жойим йўқ эди. Таваккал қилиб иш кидира бошладим. ТЮЗ деган (Ёш томошибинлар театри) театрга бордим. Миллий мусиқа ансамбли

ни ўқитган. Ҳарфни танитган, ёзиши ўргатган, саводимни чиқарган Рассоқов домла, интернатдаги устоз Ҳалим ака, ансамблдаги Мамадали акалар менинг чин устозларим. Қолаверса, отамни ҳам ўз устозим деб биламан.

— Урушдан кейинги ижодий фаолиятингиз қандай кечди? Шароит, ўша пайтдаги вазият...

— Урушда бир йил юриб, оғир ярадор бўлдим. Уруш ногирони сифатида жанггоҳдан Тошкентга қайтиб келдим. Муқимий театрида Дони Зокиров раҳбарлигига ишлай бошладим. 1948 йилда радиога ишга ўтдим. Бу орада кўпроқ скрипка чалган бўлсан-да, тамбурчи созанди сифатида ҳалқа танила бошлагандим. Радиога Юнус Ражабий ансамблига танбурчи бўлиб бордим.

— “Шашмақом”да ижро этилган куй сехри ўша даврда кўпчиликни ром килганди. Кишилар ижрочининг ғойибона

фильмга ўзим яратган куйларимдан ижро этиб берганим. Фильм ўша давр кийинчиликлари, оғир турмуш шароитлари ҳақида бўлиб, бирмунча вазмин оҳанглар, куйлар билан бойитилган, шашмақом деганимиз Юнус ака яратган олти мақомнинг яратилиш машаққатларига бағишиланган. Лекин унда ҳақиқий воқеа-ҳодисалар ифода этилмаган.

— Инсонлардаги қайси хислатларни қадрлайсиз?

— Мухтожларга ёрдам бериш, ман-манлиқдан сақланиш, ортиқча бойликка ружу кўймаслик инсон қадрини оширади, ҳам савоб бўлади. Ўзаро хушмуомалик, ишонч каби хислатларни қадрлайман.

— Куй сехри нарса дейдилар. Сизнингча, ҳам шундайми?

— Албатта. Бир воқеани айтиб берай. Балиқ овига (Хумсон томонда) дарёга бордик. Ёнимиздагилар қирғоққа жойлашиб, дам олишга шароит яратиб олишибди. Кўтариб юриладиган радиони баланд овозда айттириб кўйган. Кузатиб турсам, ўша атрофда майдада балиқчалар сувдан бир қарич-ярим қарич сакраб, ўйнай бошлади. Бироз ўтириб, бирга келган шеригим билан шилдираб оқаётган сувнинг ўртасидаги катта тошга жойлашиб гурунгни бошладик. Ҳамроҳим сумкасидан магнитофонини чиқариб, мен ижро этган куйлар ёзилган тасмани қўйди. Маза қилиб ўшитиб ўтиридик. Бир пайт атрофга назар солсам, сувдан чиқиб турган катта-кичик тошлар устига қушлар келиб қўниб олибди. Улар қимирламай куйни тингларди. Ҳаяжонланиб кетдим. Куй сехрини, унинг оҳанрабосини кўзим билан кўриб турардим...

— Суҳбатимиз сўнггида “Маърифат” муштарилинига изҳорларингиз бўлса, марҳамат.

— Яратиш, яшнатиш замони келди. Мана шундай фаровон кунларда ҳар бир муштарилини яратувчанилик кайфиятини тилайман. Муаллиму мураббийларимиз миллат ва давлат олдидағи масъулиятли бурчларини садоқату сабр ила адо этишларини истайман. XXI аср ўзбеклар асли бўлсин, бунга барча ўз хиссасини кўшишн.

Яна бир гап. Эндиғина дунёя келган гўдак ҳали ўз хатти-харакатларини ҳам англамасдан оҳантга ошно бўлади. Она алласидан тинчланади. Демак, кўйда сехр бор. Муштарилини билан умр оҳангта, кўйга ошно бўлсинлар. Зоро, куй қалбни тозалайди, кўнгилни поклайди, таскин беради.

Каримжон АБДУРАХМОНОВ
суҳбатлашди.
Бурхон РИЗО олган сурат.

КУЙ СЕХРИ...

ҳамма ўшитиб келамиз, деда йигилиб келаверарди. Кўпчилик “Алмат акадан ўшитайлик”, деб тез-тез сўраб қоларди. Отам эса, дуторни маромига етказиб чертарди. Дутор боис, у киши серулфат одам эдилар. Улфатлари қистови билан мен ҳам дутор чертиб турардим. Машқим тез орада кулокқа ёқадиган даражада сайқал топиб, ривожланиб қолди. Отамнинг дутори туфайли мен оҳангга ошно бўлдим.

— Кўплаб шогирдларингиз бор. Сизни устоз деда қадрлайдиганлар бисёр. Ўзингиз устозларингизни кимлар тимсолида кўрасиз?

— Тил ва адабиётга қизиқардим. Мусиқа тӯгаригига қатнардим. Домла Ҳалим ака деган устозимиз бор эди. Ҳафтада иккимарта келиб, мусиқага қизиқадиган болаларни йигиб, тӯгарак машгулотларини олиб борарди. У киши менга жиддийроқ қаради. Қобилиятинг бор, уни рўёбга чиқариш керак, дерди. Кўпроқ мураккаб машқларни берарди. Мусиқа хонасининг калитини ҳам менга ишониб, бериб кетарди. Бўш вақтларимда у ерга кириб олиб, отами эслаб тўйиб-тўйиб, йиглаб-йиглаб дутор чертардим. Аста-секин танбур, гижжак чалишни ҳам ўзлаштириб олдим.

бор экан. Ансамбл раҳбари Мамадали Ниёзов (уни ҳар куни радио орқали ўшитардим) замонавий кийинган, ҳурмати баланд киши бўлиб, истараси иссиққина эди. Мени мусиқа гурухи томон етаклади. Ансамблдагиларнинг энг кичиги 30 ўшлар атрофидаги созандалар: дуторчи, найчи, доирачи, танбурчи, чангчи ва ҳоказо. Ўзлари скрипка чаларкан. Скрипкасини менга бериб, бирор нарса чалиб беришимни сўради. Мен унинг ўзи яратган куйларидан бирини ижро этиб бердим. Ёктириб қолди. Эртасига ёшга қабул қилди. 400 сўм ойлик ҳам белгилашди. Бундай маош мен учун катта воқеа эди. Ансамбл таркибида колхоз, совхозларда концертлар намойиш қилиб юрдик. Баъзан тадбирларда Мамадали аканинг ўрнида скрипка чалишимга тўғри қеларди ва бундан фахрланиб кетардим. Бир йилдан зиёдрок вақт ичидаги анча-мунча пул ортиридим. Яхши кийиниб олдим. Бу орада уруш бошланди. 7 июль 1941 йилда урушга чақирилдим...

Биринчи муаллимим ҳакидаги хотираларим бирор ёдимдан кўтарилиган. Сабаби, у кишининг исмларини билмайман. Фамилияси Рассоқов эди. 1-синфдан 3-синфгача биз-

маҳоратига, ижродаги “ним парда”дан тараувчи оҳангга тасаннолар айтгани эсимда...

— Юнус Ражабий домла “Шашмақом” ансамблини тузгандага энг сара созандалар унга жалб қилинган. “Шашмақом” менинча ҳозирги Тоҷикистон ва Самарқанд, Бухоро томонларга хос бўлса, ажабмас. Олти мақом деб тушунадиганимиз — шашмақом аввалдан киборлар даврасида, подшоҳлар ҳузурида кўпроқ ижро этилган. Юнус ака ҳам Самарқандда найчилиб танилган, мақом кўйларини ижро этган. Пойтахт Тошкентга кўчганда Юнус Ражабий ҳам радио қошидаги ансамбл таркибида шу ерга келган. Тъбъир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, мақом Тошкентга Юнус Ражабий билан кириб келган.

1958 йилдан кейин 6 йил давомида 6 та мақом куйини яратган. Уларни жамлаб “Шашмақом” сифатида радио фонотекасига киритган. Мақом оддий одамлар учун оғир асарлар сирасига киради. Айниқса, бугунги замондошимиз ундан йироқда.

Саволингизда “Шашмақом” фильмидағи куйини назарда тутган бўлсангиз, ушбу фильм “Шашмақом” деб номлангани билан унда мақом ижроси йўқ. Мен

БИРЙУПА УЧ КИТОБ

Тошкент Молия институти ректори, Олий Мажлис депутати, академик Мурод Шарифхўжаев қаламига мансуб илмий, сиёсий, маънавий йўналишдаги адабиётлар жуда кўп. Уларнинг энг сўнгиси "Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане" ("Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш"), Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар", "Годы, равные векам" ("Асрларга тенг йиллар") китобларидир.

Бу китобларни қўлига олган киши, шунчаки вақтлаб қўя қолмайди. Бугунги Ўзбекистон, унинг ички ва ташки сиёсати билан боғлиқ воқеликлар теран ва фалсафий талқин қилиб берилганни, уларнинг тортадиган кучи ҳам шунда. Муаллифнинг энг катта ютуғи, рус тилида ҳам бемалол ёза олишидир. М.Шарифхўжаев Москвада нашр этиладиган "Труд" газетасининг Ўзбекистондаги фаол муаллифи эканлигини кўпчилик билади. "Годы, равные векам" китобчаси ана шу нашраги мақолаларнинг жамланмаси ҳисобланади.

Молия институтида ана шу уч ки -
нинг димот Taqdimot
роси-
йифилган олимлар, профессор-
ўқитувчилар муаллифни чин дил-
дан қутлаши.

Акмал САИДОВ, Олий Мажлис нинг Демократик институтлар, но- давлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси:

— Мен бу нашрларнинг сиёсатчи ўқиса сиёсий руҳдаги, тарихчи ўқиса тарихий, иқтисодчи ўқиса иқтисодчиларбоп, педагог қўлига олса педагогик, психолог мутолаа қилса психологик йўналишда ўзига хос тушунча ва билимларни бера олиш хусусиятини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўтқир РАҲМАТОВ, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири:

— Академик Мурод Шарифхўжаев қиёфасида ўта куюнчак, серқирра муаллифни кўраман. У киши, барча газета ва журннал таҳририятлари билан ҳам алоқа ўрнатган, хизмат вазифасидан ортиб бундай ишларга вақт то- пиш осон эмас, албатта.

Муҳаммадали САИДОВ, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Китобларни ҳозирги вақтда катта ададда нашр этиш жуда катта харажат талаб қиласди. Домла яратган бу асарлардан барча олий ва ўрта маҳсус таълим музассасалари ўқув жараённида са- марали фойдаланиш учун учала китобни компакт дискларга жойлаштириш катта имконият туғдиради. 2-3 минг ададда нашр қилинган китобларни вилоятлардаги таълим музассасаларига етказиш қийин. Веб-сайтлар орқали эса уларни кенг миқёсда ўрганиш мумкин.

— Китобнинг тақдимот маросимида айтилган фикр, мулҳоза, тақлифларда бир нарса эътироф этилди: муаллиф замонамиз билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлиб яшаётган етук иқтисодчи олим, камтарин инсон, доно зиёлидир. Йиғилиш аҳли М.Шарифхўжаевнинг серқирра ижодига барака тилади.

Х.ТЎЙМАНОВА

Ёшларнинг ҳаётидаги асосий босқиңлафдиди биби бўлган ушбу давр улар оғарада жиодий сұхбатларни олиб боришга шароит яратади. Янни турли мавзулардаги нозик сұхбатлар яхши натижга беради.

БАЛОФАТ ДАВРИ

Табиатнинг энг гўзал даври баҳор бўлса, инсон ҳаётининг баҳори унинг балогат даврига тўғри келса керак. Шуни ҳам айтиш лозимки, ушбу балогат даври ҳаётда ҳар биримизнинг ўёки бу жойда ўқиётган давримизга тўғри келади. Етук балогат даври инсоннинг физиологик ҳолат ва хусусиятларни ҳисобга олганда 16 ёшларга тўғри келади. Жамиятимиз бу ҳолатнинг бутун ижтимоий, сиёсий томонларини кўзда тутган ҳолда 16 ёшда шахс паспорт олиб, тўлиқ жамият аъзоси бўллади, деб тан олса-да, унинг жамият олдиаги бурч ва вазифалари айниқса сиёсий баркамолликларни ҳисобга олган ҳолда 18 ёшни тўлиқ балогат ёши деб белгилайди. Айни ҳолда инсоннинг етук балогат ёшини 16-18 ёш деб олар эканмиз, бу давр шахснинг нафакат табиатдаги физиологик етишиш даври, бизнинг жамиятимиз белгилаган ижтимоий етуклик даври ҳамдир.

Шахснинг балогат ёшидаги руҳий ҳолатида босиқлик, мулоҳазакорлик, шахсий "мен" тушунчесининг шаклланганлиги яққол кўзга ташланади. Бу ўринда, руҳий жиҳатдан олганда, жинсий фарқ, ёшлар орасида бир-бирига онгли равишда интилиш билан ажralиб туради. Аммо ўсмириқдан чиқиб ултурган ёшлар яна қарама-қарши жинсдаги кишиларга биркадар сокин, ўзига ҳар жиҳатдан тенг киши сифатида қарай бошлади.

Бу даврда шахс қарама-қарши жинс

